

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил октябрь ойининг 11 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: А.Шайдоев,
ҳайъат судьялари: З.Нарзиев ва М.Кадиоровдан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси М.Насуллоеванинг котибалигида,
тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори А.Куйлиев, судланувчи [REDACTED] ҳамда унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Абдурахманова, [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 10 августдаги ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмига нисбатан жабрланувчи [REDACTED] томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 10 августдаги ҳукмига кўра:

1995 йил 25 апрелда Пахтачи туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 йил 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, “Кўшҳовуз” МФЙ, рақамсиз уйда рўйхатда турувчи, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “қамоқ” қўлланилган, айблов ҳулосаси ва ҳукм нусхаларини ўз вақтида олган [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва ЖКнинг 61-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] жабрланувчилар М.Файзуллоева фойдасига 20.000.000 сўм, Б.Ҳайтов фойдасига 3.000.000 сўм, А.Муродова фойдасига 1.100.000 сўм, Ў.Розиқов фойдасига 3.500.000 сўм, Ҳ.Хўжамовага 3.200.000 сўм, Г.Ишанбековага 4.200.000 сўм, Гулмира Сафарова фойдасига 6.942.000 сўм, Г.Сафаровага 20.000.000 сўм, Ж.Турдибоевга 14.000.000 сўм, Ш.Хамроев 22.500.000 сўм, Ш.Ўтагановга 15.000.000 сўм, Ж.Ибрагимовга 11.500.000 сўм, Ш.Шониёзовга 23.000.000 сўм, жами 147.942.000 сўм ундириш белгиланган.



Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида, жабрланувчи Р.Шониёзовга ўзини маиший техника буюмлари олиб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида таништириб, унинг ишончига кириб, 2021 йилнинг август ойи бошларида 24 млн 500 минг сўмлик маиший техника воситаларини сотиб, пулини тез кунлар ичида беришини ваъда қилиб, маиший техника воситаларини олиб кетиб, арзон нархларда учинчи шахсларга сотиб юбориб, пуллардан 1.500.000 сўмини Р.Шониёзовга қайтариб, қолган пулларни қайтармасдан Р.Шониёзовга 23.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб фирибгарлик жиноятини қасддан содир этган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, ўзига аввалдан таниш бўлмаган фуқаро Ҳамроев Шаҳзод Фахрутдин ўғлига ўзини маиший техника буюмлари олиб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида таништириб, унинг ишончига кириб, 2021 йилнинг август ойи бошларида 24 млн сўмлик маиший техника воситаларини сотиб, пулини тез кунлар ичида беришини ваъда қилиб, маиший техника воситаларини олиб кетиб, арзон нархларда учинчи шахсларга сотиб юбориб, пулдан 1.500.000 сўмини Ш.Ҳамроевга қайтариб, Ш.Ҳамроевга 22.500.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб фирибгарлик жиноятини қасддан содир этган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, ўзига аввалдан таниш бўлмаган фуқаро Ж.Турдибоевга ўзини маиший техника буюмлари олиб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида таништириб, унинг ишончига кириб, 2021 йилнинг декабрь ойи ўрталарида 24 млн сўмлик маиший техника воситаларини сотиб, пулини тез кунлар ичида беришини ваъда қилиб, маиший техника воситаларини олиб кетиб, арзон нархларда учинчи шахсларга сотиб юбориб, уларнинг 10.000.000 сўмини Ж.Турдибоевга қайтариб, Ж.Турдибоевга 14.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, таниши [REDACTED] билан учрашиб, унинг онаси, Ўроқова Зулайҳо Қодировнанинг кредит қарздорлиги учун гаров тариқасида таъқиқда бўлган Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 102-уй 68-хонадонни таъқиқдан чиқариб бераман деб ваъда бериб, қолган пулларни эса қарз тариқасида олиб, аслида эса ғаразли ва бошқа паст ниятларда уни алдаб, қарзга олинаётган пулларни ҳам қайтариб бермасликни олдиндан мақсад қилиб, моддий манфаат кўришни режалаштириб, 2021 йилнинг сентябрь ойдан 2022 йилнинг март ойига қадар турли алдовлар билан жами 20 млн сўм миқдоридаги пулларни олиб, кредит қарздорлигини қопламасдан, уйини ҳам таъқиқдан чиқариб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб



келган ва шу йўл билан [REDACTED] 20.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, ўзига аввалдан таниш бўлмаган фуқаро Розиков Уктам Амонтошевич билан учрашиб, унга ўзини уй-жиҳоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб, моддий манфаат кўришни режалаштириб, 2022 йилнинг февраль ойида У.Розиковга 1 ой ичида ётоқхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан 5.500.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жиҳоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларнинг бир қисмини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, 2 млн сўмини қайтариб бериб, қолган қисмини қайтармасдан, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келган ва шу йўл билан У.Розиковга 3.500.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, нотаниш жабрланувчи Ш.Ўтагановга ўзини маиший техника буюмлари олиб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида таништириб, унинг ишончига кириб, 2022 йилнинг февраль ойининг ўрталарида 20 млн сўмлик маиший техника воситаларини сотиб, пулини тез кунлар ичида беришини ваъда қилиб, 20 млн сўмик маиший техника воситаларини олиб кетиб, арзон нархларда учунчи шахсларга сотиб юбориб, бу пулдан 5 млн сўмини Ш.Ўтагановга қайтариб, қолган пулларни қайтармасдан Ш.Ўтагановга 15.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзини жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, нотаниш Г [REDACTED] билан учрашиб, унинг онаси Ўроқова Зулайҳо Қодировнанинг кредит қарздорлиги учун гаров тариқасида таъқиқда бўлган Навоий шаҳар, И.Каримов кўчаси, 102-уй, 68-хонадонни таъқиқдан чиқариб бераман деб ваъда бериб, аслида эса ғаразли ва бошқа паст ниятларда уни алдаб, моддий манфаат кўришни режалаштириб, 2022 йилнинг 19 март куни алдов йўли билан жами 600 АҚШ доллари (Марказий банк маълумотиغا кўра 1 АҚШ доллари 18.03.2022 йил ҳолатига 11.571 сўмни ташкил қилган) жами 6.942.600 сўм миқдоридаги пулларни олиб, кредит қарздорлигини қопламасдан, уйини ҳам таъқиқдан чиқариб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келган ва шу йўл билан [REDACTED] 6.942.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, ўзига нотаниш бўлган фуқаро Б.Хаитов билан учрашиб, унга ўзини уй-жиҳоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг 8 октябрь куни Б.Хаитовга 3 кун ичида ётоқхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб,



алдов йўли билан 3.000.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, Б.Хаитовга 3.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, жабрланувчи А.Муродова билан учрашиб, унга ўзини уй-жихоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг 12 октябрь куни А.И.Муродовага 7 кун ичида ётоқхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан 1.100.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, А.Муродовага 1.100.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, жабрланувчи М.Файзуллаева билан учрашиб, унга ўзини уй-жихоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг октябрь ойининг бошларида М.Файзуллаевага 1 ой ичида мехмонхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан 20.000.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, М.Файзуллаевага 20.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, жабрланувчи Г.Ишанбекова билан учрашиб, унга ўзини уй-жихоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг октябрь ойининг бошларида Г.Ишанбековага 1 ой ичида ошхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан 4.200.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, Г.Ишанбековага 4.200.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, такроран, ўзига олдиндан таниш бўлмаган фуқаро Хўжамова Ҳилола Хайруллаевна билан учрашиб, унга ўзини уй-жихоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг октябрь ойининг бошларида Ҳ.Хўжамовага 1 ой ичида ошхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, уни ишончига кириб, алдов йўли билан 4.000.000 сўм миқдорида пулларни



хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, Ҳ.Хўжамовага 4.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини қасдан давом эттириб, такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, жабрланувчи Ж.Ибрагимов билан учрашиб, унга ўзини уй-жихоз мебеллари ясаб берувчи шахс сифатида таништириб, аслида эса уни алдаб моддий манфаат кўришни мақсад қилиб, 2022 йилнинг октябрь ойининг бошларида Ж.Ибрагимовга 1 ой ичида ошхона мебелларини ясаб беришни ваъда қилиб, уни ишончига кириб, алдов йўли билан 11.500.000 сўм миқдорида пулларни хизмат хақи сифатида олиб, келишилган уй-жихоз мебелларни ясаб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, у билан алоқаларни узиб, ундан яшириниб келиб, Ж.Ибрагимовга 11.500.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Жабрланувчи [REDACTED] апелляция шикоятда, судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари квалификация қилинишига ёки унга нисбатан тайинланган жазога эътироз билдирмасдан, унга нисбатан етказилган моддий зарарни қайтадан ҳисоблаш ва жиноий жавобгарликка тортилмаган И.Рақибов исмли шахсни жиноят ишига жалб қилиш масаласини кўриб чиқишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари А.Шайдоевнинг маърузасини, прокурор А.Куйлиев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Абдурахманованинг жабрланувчи [REDACTED] келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, жабрланувчи [REDACTED] эса апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан, суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанциясида жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган [REDACTED], судланувчи [REDACTED] томонидан унга нисбатан 20.млн сўмлик моддий зарар етказилганини инкор этмасдан, суддан И.Рақибов исмли шахсни жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишни сўради.

Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Ж.О.Низамовнинг 2023 йил 18 апрелдаги жиноят ишининг бир қисмини ажратиш ва тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисидаги қарорига кўра, фуқаро [REDACTED] банк мутасаддилари ва И.Рақибов исмли шахсларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаатлари ажратиб олиниб, иш ҳужжатлари терговга қадар текширув ўтказиш учун ЖПКнинг 325-моддаси тартибида тегишлилик бўйича юборилиши белгиланган.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга ҳақлидир.



Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати, суд ҳукмининг фақатгина фуқаровий даъвога оид қисмини муҳокама қилиб, суд ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 20.000.000 сўм ундириш хусусида асосли хулосага келинганлигини эътироф этиб, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва жабрланувчи [REDACTED] апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³-497¹⁸ 497²⁶, 497³⁰-497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 10 августдаги [REDACTED] га оид ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгаришсиз, жабрланувчи [REDACTED] келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Ж.О.Низамовнинг 2023 йил 18 апрелдаги жиноят ишининг бир қисмини ажратиш ва тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисидаги қарорига кўра, фуқаро [REDACTED] банк мутасаддилари ва И.Рақибов исмли шахсларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаатлари ажратиб олинб, иш ҳужжатлари терговга қадар текширув ўтказиш учун ЖПКнинг 325-моддаси тартибида тегишлилик бўйича юборилгани боис, жабрланувчи [REDACTED] яна бир қарра И.Рақибов исмли шахсни жавобгарликка тортиш юзасидан тергов органига ёки прокурорга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶, 499, 500-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:	/имзо/	А.Шайдоев
Ҳайъат судьялари:	/имзо/	З.Нарзиев
	/имзо/	М.Кадиров

Нусхаси аслига тўғри, Маърузачи судья :	А.Шайдоев
--	-----------

